

“Урганчқорммаш” АЖ акциядорлари дикқатига!

Хурматли акциядорлар, “Урганчқорммаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 22.06.2023 й. соат 15:00 да, Урганч ш., Хонқа кўчаси 26-уйда ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламиз.

Кун тартиби:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича аудитор ташкилотнинг аудит хулосасини кўриб чиқиш
7. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш ва 2022 йил якуни бўйича йиллик дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
8. Жамият Кузатув кенгаши, ижро органи ва тафтиш комиссияси аъзоларига 2022 йил фаолияти учун тўланадиган рағбатлантириш ва ўз вазифаларини бажариш билан боглик харажатларнинг ўрни коплаш миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. “Урганчқорммаш” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳолаш ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш.
11. Жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этилиши масаласини кўриб чиқиш ва натижалари юзасидан хабар бериш шаклини тасдиқлаш.
12. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Жамият Ижроия органини сайлаш.
15. Жамиятнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
16. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик Умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 19 июнь ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин:

Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси 26-уй
e-mail: oao_ukm_uz@mail.ru
Тел: 0 (362) 227-44-06, 0 (362) 227-43-01

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.